

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САИДОВА МУХАББАТ МУХИДИНОВНА

**РЕВМАТОИДЛИ АРТРИТДА КАРДИОВАСКУЛЯР
КАСАЛЛИКЛАР КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05– Ички касалликлар

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро- 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Саидова Муhabбат Мухидиновна

Ревматоидли артритда кардиоваскуляр касалликлар кечишининг
клиник ва морфологик хусусиятлари..... 3

Саидова Муhabбат Мухидиновна

Клинико-морфологические особенности течения кардиоваскулярных
заболеваний при ревматоидном артрите..... 23

Saidova Mukhabbat Mukhidinovna

Clinical and morphological features of the course of cardiovascular
diseases in rheumatoid arthritis 43

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САИДОВА МУХАББАТ МУХИДИНОВНА

**РЕВМАТОИДЛИ АРТРИТДА КАРДИОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР
КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар
14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро-2025

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.DSc/Tib947 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурбаев Фармон Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Орипов Фирдавс Суратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Курск давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) бугунги кунда дунё миқёсида энг кенг тарқалган ва ўлимга олиб келувчи асосий касалликлардан бири ҳисобланади. Жаҳон кардиологлар жамиятининг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, ярим миллиардга яқин инсон ушбу касалликдан азият чекмоқда ва 30 йилдан ортиқ вақт давомида ўлимнинг етакчи сабабчиси бўлиб қолмоқда. Бу бутун дунё бўйлаб барча ўлимларнинг учдан бир қисмини ташкил этган ва 2021 йилда 20,5 миллион ўлим ҳолатлари қайд этилган¹. Европа кардиологлар жамияти маълумотларига кўра, «...юрак қон-томир касалликлари ушбу минтақада ногиронлик ва эрта ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, 42,5 фоиздан ортиғини ташкил этади. Бу кўрсаткич эса, ҳар куни ЮҚТКдан 10 минг киши вафот этишини англатади...»². Кейинги йилларда олиб борилган халқаро эпидемиологик тадқиқотлар ревматоид артрит (РА) билан касалланган шахсларда юрак-қон томир асоратларидан келиб чиқадиган ўлим кўрсаткичлари умумий аҳолига нисбатан тахминан 1,5 баробар юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, ревматоид артрит билан оғриган беморларда кардиоваскуляр асоратларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш учун янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари хавфи (ЮҚТКХ) нинг асосий белгиларини эрта аниқлаш ва уни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Европа кардиологлар ташкилотининг 2024 йилдаги минтақа ҳисоботида ушбу касаллик туфайли ўлим ҳолатлари эркаклар орасида аёлларга нисбатан тахминан 2,5 марта кўпроқ қайд этилиши таъкидлаб ўтилган. Хусусан, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида 30 ёшдан 69 ёшгача бўлган аҳоли орасида ЮҚТК сабабли ўлим ҳолатлари Ғарбий Европа билан таққосланганда қарийб беш баробар юқори кўрсаткичга эга³. Сўнгги йилларда ревматоид артрит билан касалланган шахсларда юрак-қон томир хавфини юзага келтирувчи омилларни ўрганиш, юқори хавфли беморларни илгаридан аниқлаш, самарали профилактика усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамызда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини жаҳон стандартлари даражасига мослаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ревматологик касалликлар тарқалишини камайтириш, уларни эрта аниқлаш ва самарали даволашга қаратилган чора –тадбирлар соғлиқни сақлаш сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мазкур вазифалар доирасида, «...мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва аҳоли ўртасидаги қамровини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини такомиллаштириш, ташҳис қўйиш ва

¹World Heart Federation. 2023

²European Society of Cardiology (ESC), 2024

³World Health Organization (WHO), Geneva, 23 May 2024

даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»⁴ каби йўналишлар белгиланган. Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, хусусан, ревматоидли артрит каби сурункали иллатлар клиник манзарасини барвақт аниқлаш, уларнинг асоратлари - жумладан, кардиоваскуляр тизимга таъсирини чуқур ўрганиш ва самарали даволашни ташкил этиш, аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2022 йил 26 январдаги ПҚ–103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар, шунингдек, ушбу йўналишга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши - «Тиббиёт ва фармакология» доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили⁵.

Ревматоид артритда кардиоваскуляр касалликлар кечишининг клиник ва морфологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кенг қамровда амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар Univesity of Oxford, Univesity of Cambridge, University of Manchester (Буюк Британия), Harvard Univesity (АҚШ), Univesity of Corolinska (Швеция), Stanford Univesity, Univesity of Arkansas (АҚШ), Univesity of Glasgov (Буюк Британия), Univesity of Oslo (Норвегия), Charite-University Medicine (Берлин), Hacettepe University (Туркия), Rotterdam Study (Нидерландия) шунингдек, В.А. Насонова номидаги ревматология илмий-тадқиқот институти ва Н.И. Пирогов номидаги Россия Миллий илмий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси) каби нуфузли илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ревматоид артритда юрак-қон томир касалликлари ривожланиши, уларнинг клиник кечиши ва оқибатлари хавф даражасини баҳолаш орқали самарали профилактика чора-тадбирларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади (López-Mejías R. et al., 2016; Maskey R.H. et al., 2018). Маълумки, РА билан касалланган беморларда юрак-қон томир хавфи сезиларли даражада ошади, бу эса кардиоваскуляр хасталиклар ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

⁵ Диссертация мавзуси хорижий илмий тадқиқотлар адабиётлар шарҳлари куйидаги сайтлар асосида кўриб чиқилди: www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz

уларнинг асоратларининг кўпайиши, ҳаёт сифати пасайиши ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли орасида эрта ногиронлик ҳолатларининг ортишига олиб келади (England B.R. et al., 2018).

Сўнгги йилларда юрак-қон томир касалликлари хавф омилларини эрта аниқлаш ва башоратлаш, шу асосда мақсадли профилактика тадбирларини амалга ошириш имконияти РА бўлган беморлар ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини исботловчи илмий далиллар сони ортиб бормоқда. Хусусан, қатор тадқиқотлар РАда кардиоваскуляр асоратларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида иштирок этувчи асосий хавф омилларини ўрганиш ҳамда уларга қаратилган даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга бағишланган (Каратеев Д.Е., 2018; Насонов Е.Л., 2019; Сердюк И.Л. и др., 2020; Фомичева О.А., 2020; Гордеев А.В., Олюнин Ю.А., 2023).

Ўзбекистонда ревматоид артрит мавжуд беморларда юрак-қон томир касалликларини эрта ташҳислаш ва даволаш муаммолари билан етакчи мутахассислар (Мирахмедова Х.Т., 2017; Ризамухамедова М.З., 2018; Каримов М.Ш., 2021; Алиахунова М.Ю., 2021; Гадаев А.Г., 2022) илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Ревматоид артрит билан оғриган беморларда артериал гипертензия частотаси, юрак ишемик касалликларининг хавф омиллари, доридармонлар билан даволаш самарадорлиги аниқланган. Уларда ЮҚТК хавф омилларини аниқлаш, жараёни ривожланиш хавфи ва прогнозидаги аҳамиятини ўрганиш, клиник-морфологик хусусиятларини таҳлил қилиш, аҳоли орасида ушбу касалликлар ривожланиши ва олдини олишга имкон беради.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, республика шароитида РАли беморларда ЮҚТК нинг ўзгарувчан хавф омилларини баҳолаш ва уларга қарши курашиш, хавф даражаси ҳамда кардиоваскуляр ҳодисаларни олдини олишни мувофиқлаштириш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2025 DSc.215) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артрит билан касалланган беморларда кардиоваскуляр патология ривожланишини эрта ташҳислашда клиник ва морфологик хусусиятларни ўрганиш ва профилактика усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артритли беморларда юрак тузилмаларида юзага келадиган клиник ва морфологик ўзгаришларнинг шаклланишида иштирок этувчи хавф омиллари ҳамда улар билан боғлиқ коронар хавф даражасини таҳлил қилиш;

ревматоидли артрит ва кардиоваскуляр касалликлар коморбидлиги мавжуд беморларда юракда ва каротид артерияларидаги морфологик

ремоделашувининг хусусиятларини баҳолаш;

коронар артериялар ҳолати ва коронар атеросклероз детерминанти сифатида коронароангиография кўрсаткичларини ревматоид артрит билан касалланган беморларда баҳолаш;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда юрак хужайралари тузилишидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларини юрак хужайраларига ножўя таъсирини таҳлил қилиш;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари билан бирга кардиопротектив даво самарадорлигини тажрибада баҳолаш;

юрак-қон томир касалликларининг бирламчи профилактикаси бўйича тавсиялар ва ёндашувларни ревматоид артритли беморлар учун ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология бўлимида 2021 йилда даволанган ва 2024 йилгача мунтазам назоратда бўлган 385 нафар 35-70 ёшдаги ревматоид артритли беморлар (проспектив) ва тажрибада ревматоидли артритни моделлаштириш мақсадида 12 ойдан 26 ойликкача бўлган 110 та ҳар иккала жинсга мансуб бўлган оқ зотсиз каламушлар(экспериментал) танлаб олинган. Назорат гуруҳи сифатида 30 нафар кўнгилли соғлом шахслар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, объектив ва субъектив маълумотлар, беморлар қон плазмаси, шунингдек, оқ зотсиз каламушлар юрагининг умумий макро ва микро препарат намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, комплекс лаборатор текширувлар, ревмосинамалар, циклик цитруллинланган пептидга қарши антитаналар (ЦЦПА) ва асбобий текширишлар, экспериментал, гистологик, гистокимёвий, шунингдек, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоидли артрит билан оғриган беморларда юракдаги клиник-морфологик ўзгаришларга сабаб бўлувчи хавф омиллари ва кардиоваскуляр хавф кўрсаткичлари орасидаги узвий боғлиқлик исботланган;

ревматоидли артрит мавжуд беморларда каротид артериялари ўзгаришлари, юрак ремоделланиш жараёнлари ва тож артериялар стенози даражаси коронароангиография усули натижалари билан кучли корреляцион боғлиқлиги асосланган;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда ушбу касаллик сабабли кардиомиоцитлар оралиғида (периваскуляр соҳада) лейкоцитар инфилтрация, артериал томир деворининг баъзи қисмида фибриноидли некроз ва томир девори қалинлашиши натижасида томир ичи ёриғи торайганлиги исботланган;

ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда қўлланилган дори воситалари (ностероид яллиғланишга қарши воситалар ва глюкокортикостероидлар) таъсири натижасида кардиомиоцитлар орасида яллиғланиш элементларининг камайиши билан бир қаторда уларда гипертрофик ўзгаришлар, патологик икки ядроли кардиомиоцитларнинг

кўпайганлиги, кардиопротектив коррекция таъсирида эса юрак хужайраларининг тикланиши, дистрофик ўзгаришлар ва оралик тўқимадаги инфилтратив жараённинг камайганлиги сабабли регенератив жараённинг тезлашгани тажрибада исботланган;

ревматоидли артрит мавжуд беморларда кардиваскуляр патология ривожланиши эҳтимолини эрта баҳолаш ва касалликнинг бошланғич даврларида коррекция қилиш мақсадида босқичма-босқич мезонлар ҳамда мобил технологияларга асосланган дастурий ечимлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритли беморларда хавф омилларини эрта аниқлаш чоратадбирлари ёрдамида кардиваскуляр касалликларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва асоратлари профилактикаси такомиллаштирилган;

ревматоид артритли беморларда кардиваскуляр касалликларнинг эрта диагностика ва прогнози учун мезонлар ишлаб чиқилиб, мобил дастурлар орқали касалликни аниқлаш, диспансер назорати, комплекс текшириш ҳамда юрак-қон томир асоратлари ва ўлим ҳолатларини камайтириш, ногиронликни чеклаш ва ҳаёт сифатини ошириш имконияти яратилди;

ревматоид артрит беморларида кардиваскуляр хавфни эрта аниқлаш касалликнинг илк босқичларида профилактика ва коррекцияни таъминлаб, ижтимоий аҳамият ва иқтисодий самарадорликни оширади, рецидив ва асоратларни камайтиради, даволаниш муддатини қисқартиради ҳамда ўлим ҳолатларини пасайтиради;

ревматоид артритли беморларда юрак-қон томир хавфини индивидуал эрта аниқлаш учун бирламчи тиббиётда қўлланиладиган босқичли мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ёндашувлар ва замонавий тадқиқот усулларининг мақсадга мувофиқ танланганлиги, назарий маълумотлар билан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқ келиши, текширувлар жараёнларининг услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги, таҳлилга жалб этилган беморлар сонининг етарлилиги, клиник, морфологик ва статистик таҳлил усуллари орқали олинган натижалар халқаро ва маҳаллий илмий-тадқиқот ишлари маълумотлари билан солиштирилиб баҳоланганлиги, уларнинг асосида чиқарилган хулосалар эса тегишли мутахассислар ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ревматоидли артрит билан касалланган беморларда юрак-қон томир тизимида оид хавф омиллари учраш частотаси, кардиваскуляр патологияларнинг клиник ва морфологик жиҳатлари, шунингдек, уларнинг нохуш оқибатлари билан боғлиқ механизмларни чуқур таҳлил этиш орқали ушбу касалликнинг патогенетик жараёнларини янада теран англашга замин яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти беморларда кардиваскуляр патологиялар ривожланишига таъсир этувчи ўзгармайдиган ва ўзгарадиган хавф омилларини барвақт аниқлаш, камайтириш имконини яратишга, олдини олиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоидли артритда кардиоваскуляр касалликлар кечиши билан боғлиқ клиник ва морфологик хусусиятларининг чуқур таҳлили асосида:

«Ревматоидли артритда кардиоваскуляр патология коморбидлигини эрта аниқлаш усули» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 13-майдаги №24 м/093-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артритли беморларда кардиоваскуляр патологияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш имконини берган;

«Тажрибада ревматоид артрит билан касалланган юракдаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш усуллари» мавзусида услубий тавсиянома (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 13-майдаги №24 м/092-сон маълумотномаси) тажриба шароитида ревматоид артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда юрак хужайралари тузилишидаги морфологик ўзгаришлар ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг уларга бўлган ножўя таъсирини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш имконини яратган.

Ревматоидли артритда кардиоваскуляр касалликлар кечишининг клиник ва морфологик хусусиятларини ўрганиш, хавф омилларини баҳолаш ҳамда олдини олиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали бўйича (24.06.2024 й.; №01-15) буйруқ, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича (09.08.2024 й.; №123) буйруқ, Самарқанд давлат тиббиёт институти кўп тармоқли клиникаси бўйича (15.08.2024 й.; №132) буйруқ, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (13.08.2024 й.; №122-І/СН) буйруқлар билан клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/8-сон хулосаси) бўлиб:

Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ревматоидли артрит билан оғриган беморларда юракдаги клиник-морфологик ўзгаришларга олиб келувчи хавф омиллари ва кардиоваскуляр хавф кўрсаткичлари орасидаги узвий боғлиқликни аниқлаш натижасида уларда юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишининг олди олинади, жараённинг бошланғич даврларида кўрсатилган муқобил тиббий ёрдам ижтимоий аҳамияти оширилади, касалликнинг қайталаниши, шифохонада ётиш кунлари қисқариши, асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари камайиши имкони яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** шифохонада ревматоид артрит билан касалланган бемор кардиоваскуляр зарарланиш билан бирга даволанганда, муолажалар курси ўртача 10-12 кунни ташкил этиши эътиборга олинандиган бўлса, кардиоваскуляр зарарланишни олдини олиш натижасида даволаниш кунларининг 7-9 кунга қисқаришига эришилган. Ҳар бир бемор учун бир кунлик даволаниш харажатлари 105 421,80 сўмни ташкил этган ҳолда, тадқиқотда жорий этилган ёндашувлар орқали бир даволаниш курси давомида ҳар бир бемор ҳисобига ўртача 316 265,4 сўм маблағни тежаш имконига эришилган. **Хулоса:** ревматоид артрит билан оғриган беморларда юракдаги

клиник-морфологик ўзгаришларга сабаб бўлувчи хавф омиллари ва кардиоваскуляр хавф кўрсаткичлари орасидаги узвий боғлиқликни ўрганиш орқали уларни олдини олиш натижасида биргина ётоқ кунларининг қисқариши ҳисобига бир даволаниш курсида ҳар бир нафар бемордан бюджет маблағлари ҳисобидан 316265,4 сўмга иқтисод қилиш имкони пайдо бўлган.

Иккинчи илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ревматоид артрит билан оғриган беморларда йирик қон томирларда атеросклеротик зарарланишнинг ҳосил бўлиши ва касалликнинг бевосита юракка таъсири натижасида кардиоваскуляр асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида умумий уйқу артерияси дуплекс сканирлаш усулида муддатидан олдин интима медиа комплексини қалинлашиш ҳолатининг аниқланиши, юракнинг эхокардиографик, тож томирларининг ангиографик текширувларини олиб бориш ҳисобига юрак-қон томир асоратлари ҳамда ногиронлик ва ўлим ҳолатлари ривожланишининг олди олиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ревматоид артритли беморлар кардиоваскуляр асоратлар билан шифохонада даволанишлар жараёнида юрак-қон томир касалликлари муолажаларида ишлатиладиган дори воситалари ҳар бир беморга бюджет маблағлари ҳисобидан ўртача 506200 сўмни ва унинг бюджетдан ташқари қисми 750400 сўмни ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, кардиоваскуляр зарарланишни башоратлаш натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган. **Хулоса:** ревматоидли артрит мавжуд беморларда ривожланиши мумкин бўлган кардиоваскуляр касалликларни эрта аниқлаш ва юзага келиши эҳтимоли бўлган асоратларни олдини олиш ҳар бир нафар бемордан 1256600 сўмга тежаш имконини берган.

Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ревматоид артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда юрак ҳужайраларида вужудга келадиган морфологик ўзгаришларни, ушбу гуруҳ беморларини олиб бориш тамойилларини тўғри танлаш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ревматоид артрит билан беморларда кардиоваскуляр патология ривожланишини эрта аниқлаш ҳисобига юрак-қон томир касалликлари олди олинган ва 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 358000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 432000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ревматоид артрит касаллигида кардиоваскуляр асоратларни олдини олиш натижасида ташҳислаш ва даволашда сарфланадиган маблағларни тежаш ҳисобига бюджет маблағлари ҳисобидан сарфланадиган харажатларни 25,6% га камайтириш имкони вужудга келган.

Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ревматоид артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда даволашда қўлланилган дори воситаларининг юрак ҳужайраларига ножўя таъсирини ва кардиопротектив коррекция олиб борилгандаги ижобий ўзгаришларни аниқлаш ушбу гуруҳ беморларини олиб бориш тамойилларини тўғри танлаш имконини берган ва юқори ижтимоий самарадорликка эришишга олиб келган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ревматоид артрит билан касалланган беморларнинг даво комплексига кардиопротектив воситаларни қўшиш келиб чиқиши мумкин бўлган кардиоваскуляр зарарланишни олдини олиши

натижасида юрак-қон томир касалликларини ташхислаш мақсадида қўлланиладиган кўп харажатли ва кўп вақт талаб этадиган бошқа қўшимча текшириш усулларидан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинган. **Хулоса:** ревматоид артрит мавжуд беморларни даволаш жараёнини кардиопротектив воситалар ёрдамида коррекциялаш ҳисобига юрак-қон томир касалликлари олди олинган ва бу 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 145000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 176000 сўмга иқтисод қилиш имкони яратилган.

Бешинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган мезонлар ревматоид артритни клиник кўринишларига асосланган ҳолда эрта ташхислаш, диспансер назоратига олиш, комплекс текшириш ва юрак-қон томир касалликлари ривожланиш хавфини олдини олиш, беморлар орасида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш ҳамда ҳаёт сифатини ошириш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ревматоид артритда кардиоваскуляр касалликларга ташхис қўйиш, унинг натижасида келиб чиққан асоратларни даволаш ва юрак фаолиятини тиклашга қаратилаган чора тadbирлар учун 2021 йилда бир йилда ўртача ҳар бир бемор учун 3162000 сўм сарфланган. Кардиоваскуляр асоратларни олдини олиш натижасида эса мазкур харажатлар 2355000 сўмгача камайган. Яъни, ҳар бир бемор учун бир даволаниш курсида 807000 сўм тежалган. **Хулоса:** ревматоид артрит мавжуд беморларда кардиоваскуляр патология ривожланиши хавфини эрта аниқлаш ҳисобига касалликнинг бошланғич даврларида ишлаб чиқилган даволаш мезонларини 385 нафар беморда қўллаш натижасида 1 йил давомида давлат бюджети ҳисобидан 310695000 сўм тежашга муваффақ бўлинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий 42 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 11 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 8 таси республика миқёсидаги, 3 таси хорижий нашрларда, шунингдек, улардан 2 таси Scopus тизимида индексацияланадиган илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 210 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, унинг республика илм-фан устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларнинг ишончлилиги ҳамда уларнинг жорий қилиниши, нашрлар ва

диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» боби хорижий ва маҳаллий манбалар таҳлили асосида ревматоид артрит ва юрак-қон томир патологиясига оид замонавий қарашларни қамраб олиб, касаллик тарқалиши, коморбидлик, юрак тизими ремоделланиши, клиник ва морфологик ўзгаришлар ҳамда хавф омиллари ва профилактика концепциялари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари. Ревматоидли артрит билан касалланган беморларда юрак-қон томир касалликлари эрта предикторларини аниқлаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари (1-расм) ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.




1-расм. Клиник тадқиқот усуллари

Экспериментал тадқиқотлар 2023-2024 йиллар мобайнида Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ва экспериментал Биотиббиёт тадқиқот маркази лабораториясида бажарилган. Тажрибада ревматоидли артритни моделлаштириш мақсадида 12 ойдан 26 ойликкача бўлган 110 та оқ зотсиз каламушлар танлаб олинган ва гистологик, морфологик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ревматоидли артрит билан касалланган беморларда юрак қон-томир касалликлари хавф омилларининг тарқалиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ревматоид артритли беморларда юракдаги клиник-морфологик ўзгаришларига сабаб бўлувчи хавф омиллари, уларнинг тарқалиш хусусиятлари, юрак қон-томир хавфи кўрсаткичлари таҳлили келтирилган. Тадқиқотдаги беморлар 385 нафар бўлиб, 321(83,4%) нафарини

аёллар ва уларнинг ўртача ёши $51,7 \pm 8,78$ ни, $64(16,6\%)$ нафари эркаклар бўлиб, уларнинг ўртача ёши $54,3 \pm 8,46$ ни ташкил этган. Тадқиқотдаги беморларнинг $83(21,6\%)$ нафари 35-44 ёшда, $91(23,6\%)$ нафари 45-50 ёшда, $67(17,4\%)$ нафари 51-55 ёшда, $65(16,9\%)$ нафари эса 56-60 ёшда, $79(20,5\%)$ 61-70 ёшда эканлиги ҳамда 158 (41%) нафар беморда ногиронлик мавжудлиги, анамнезига кўра, 1 йилгача касалланган беморлар 11,7 %, 1 йилдан 5 йилгача 14,8%, 5 йилдан 10 йилгача 34,5% ва 10 йилдан ортиқ 39% дан иборат бўлиб, 70,9% беморларда серапозитив ва 29,1 % беморларда серонегатив РА кузатилди. Тадқиқотдаги беморларнинг 73,4% ЦЦПА мусбат натижа берди. Ревматоидли артритни даволашда ГКС 64,4%, БЯҚВдан 87,3%, ГМБП 8,8% беморларда қўлланилган бўлса, НЯҚВдан ёрдамида барча беморлар (100%) даволанган.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра, РА билан касалланган беморлар орасида кардиоваскуляр хавф омилларининг учраш даражаси таҳлил қилинганда қуйидаги кўрсаткичлар намоён бўлди (2-расм).



2-расм. Ревматоидли артритли беморларда хавф омиллари

Шунингдек, назорат гуруҳидагилар ўрганилганда, уларнинг 19 (63,3 %) нафари аёллар бўлиб, ўртача ёши $49,6 \pm 7,56$ ни, 11 (36,7%) нафари эса эркаклар бўлиб, уларнинг ўртача ёши $51,3 \pm 5,23$ ни ташкил этган.

1-жадвал

Ревматоидли артритли беморларда хавф омилларининг ёшга нисбатан учраши

Кўрсаткичлар	Беморлар сони (n=385)	35-44 ёш (n=83)	45-50 ёш (n=91)	51-55 ёш (n=67)	56-60 ёш (n=65)	61-70 ёш (n=79)
Ўртача ёши (M±SD)	52,1±8,7	40,4±2,84	47,4±1,85	52,9±1,43	57,9±1,46	64,4±2,86
Аёллар	321(83,4%)	73(88%)	84(92,3%)	50(74,6%)	47(72,3%)	67(84,8%)
Эркаклар	64(16,6%)	10(12%)	7(7,7%)	17(25,4%)	18(27,7%)	12(15,2%)
Ирсийлик	76 (19,7%)	33(39,8%)	21(23,1%)	13(19,4%)	6(9,2%)	3(3,8%)
иподинамия	188(48,8%)	10(12%)	11(12,1%)	42(62,7%)**	53(81,5%)**	72(91,1%***)
Стресс	258 (67 %)	71(85,5%)	78(85,7%)	45(67,2%)	42(64,6%)	22(27,8%)
Алкоголь	49(12,7%)	6(7,2%)	8(8,8%)	15(22,4%)**	16(24,6%)**	4(5,1%)
Чекиш	42(10,9%)	7(8,4%)	7(7,7%)	16(23,9%)**	9(13,8%)*	3(3,8%)
Семизлик	122(31,7%)	17(20,5%)	27(29,7%)*	28(41,8%)**	24(36,9%)*	26(32,9%)*
ГХС	135(35,1%)	12(14,5%)	24(26,4%)	23(34,2%)**	29(44,6%)**	47(59,5%***)
АГ	247(64,1%)	38(45,7%)	55(60,4%)*	49(73,1%)**	42(64,6%)*	63(79,7%)**

Изох: * -35-44 ёш кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-p<0,05; **-p<0,01; ***-p<0,001)

Мазкур шахсларда юрак-қон томир касалликларига олиб келувчи хавф омиллари таҳлил қилинганда, ирсийлик 11(36,7%), гиподинамия 2(6,7%), стресс ҳолатлари 4(13,3%), алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиш 6(20%), чекиш 3(10%), ГХС 7(23,3%), АГ 8(26,7%) нафарида аниқланиб, РАли беморларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан хавф омилларининг юқорилигини кўрсатди. 1-жадвалда қайд этилганидек, ревматоид артритли беморларда хавф омиллари ёшга нисбатан таҳлил қилинганда стресс ҳолатлари 35-44 ва 45-50 ёшлиларда юқори кўрсаткичда бўлса, АГ ва ГХС 51-55 ва 61-70 ёшли беморларда қолган гуруҳ беморларига нисбатан кенг тарқалганлиги кузатилган.

РА билан касалланган беморларда юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқиш хавфини эрта аниқлаш мақсадида mSCORE (SCORE/EULAR) шкаласидан фойдаланилган. Натижаларга кўра, паст даражадаги хавф 132 (34,3%), ўртача хавф 172 (44,7%), юқори даражадаги хавф 50 (13,0%), ўта юқори хавф 31 (8,1%) ни ташкил этган. РА билан беморларда кардиоваскуляр хавф кўрсаткичлари mSCORE шкаласи бўйича ёшга нисбатан таҳлили 2-жадвалда акс этирилган.

2 –жадвал

Ревматоидли артрит билан беморларда кардиоваскуляр хавф кўрсаткичларини ёшга боғлиқ учраши

Кўрсаткичлар (n=385)	35-44 ёш (n=83)	45-50 ёш (n=91)	51-55 ёш (n=67)	56-60 ёш (n=65)	61-70 ёш (n=79)
Паст хавф <1%	76 (91,6%)	56(61,5%)	4(5,9%)	-	-
Ўртача хавф ≤5%	7(8,4%)	32 (35,2%)*	47(70,1%)*	44(67,7%)*	38(48,1%)*
Юқори хавф ≤10%	-	3 (3,3%)*	13(19,4%)*	11(16,9%)*	23(29,1%)*
Ўта юқори хавф >10%	-	-	3(4,5%)*	10(15,4%)*	18(22,8%)*

Изох: *-35-44 ёш кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-p<0,05; **-p<0,01; ***-p<0,001)

Таҳлил натижаларига кўра, ўта юқори хавф 51-55, 56-60 ва 61-70 ёшли беморларда кузатилаган бўлиб, 61-70 ёшли беморларда 56-60 ёшли беморларга нисбатан 1,5 баравар, 51-55 ёшли беморларга нисбатан эса 5 баравар юқори кўрсаткичларни намоён этган. Юқори хавф эса РА билан беморларнинг 61-70 ёшлиларида 56-60 ёшли ҳамда 51-55 ёшли беморларга нисбатан 1,7 ва 1,5 баравар юқори эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Ревматоид артритли беморларда кардиоваскуляр касалликлар коморбидлигини аниқлашда инструментал текшириш усуллари эрта предикторлар сифатида баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ревматоид артритли беморларда беморларда уйқу артериялари ва юрак ремоделланиш жараёнларининг таҳлили келтирилган.

Тадқиқотдаги асосий ва назорат гуруҳларида ЭКГ ва Холтер мониторинги текширув натижалари шуни кўрсатдики, РА ли беморларда миокард дистрофияси 30,6%, чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ) 34,1% ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса миокард дистрофияси 13,3 %ни, ЧҚГ 16,7% ни ташкил этган.

Беморларда ЭхоКГ текшируви натижалари таҳлил қилинганда, РАли беморларда митрал клапан склерози (МКС) 50,6%, аортал клапан склерози

(АКС) 54,5% ни, назорат гуруҳида эса мазкур кўрсаткичларнинг мос равишда 13,3% ҳамда 6,7% ҳолатларда учраганлиги кузатилган.

РА билан касалланган беморларда умумий уйқу артериясининг интима-медиа комплекси (ИМК) қалинлигини аниқлашдаги олинган натижалар кўрсаткичи ўнг уйқу артериясида $0,99 \pm 0,19$ мм ни, чап уйқу артериясида $1,01 \pm 0,17$ мм ни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг патологик ошиши ($>0,9$ мм.) тадқиқотдаги беморларнинг ярмидан кўпида – 202 (52,5%) ҳолатда аниқланган ва ИМК ўнг уйқу артериясида $1,14 \pm 0,06$ мм.ни, чап уйқу артериясида $1,17 \pm 0,08$ мм эканлиги кузатилган. Серонегатив РА билан беморларда ИМК ўнг уйқу артериясида $1,11 \pm 0,04$ мм.ни, чап уйқу артериясида $1,13 \pm 0,06$ мм ни, серопозитив РА билан беморларда ўнг уйқу артериясида $1,17 \pm 0,05$ мм ни, чап уйқу артериясида $1,14 \pm 0,07$ мм ни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг беморлар ёшидан келиб чиқиб қилинган таҳлили шуни кўрсатдики, ИМК ўртача (мм.) кўрсаткичи 61-70 ёшли беморлар гуруҳида бу кўрсаткич ўнг уйқу артериясида $1,07 \pm 0,17$ мм, чап уйқу артериясида $1,07 \pm 0,19$ мм ни ташкил этган. Таҳлил натижаларига кўра, ИМК қалинлиги беморларнинг ёши билан тўғри корреляцияга эга бўлиб ($r=0,64$), ИМК нинг $\geq 0,9$ мм.дан ошганлиги 56-60 ёшлиларда 75,4% ва 61-70 ёшдаги беморларда 60,8% кузатилган. ИМК кўрсаткичи mSCORE шкаласи бўйича аниқланган ЮҚТК хавф даражаси билан ҳам асоцирланади: юқори хавф даражаси мавжуд бўлган беморларнинг ўнг уйқу артерияси $1,12 \pm 0,039$ мм, чап уйқу артерияси қалинлиги $1,10 \pm 0,038$ мм, ўта юқори хавф даражаси мавжуд бўлган беморларнинг ўнг уйқу артерияси $1,11 \pm 0,038$ мм, чап уйқу артерияси қалинлиги $1,11 \pm 0,040$ мм ни ташкил этган. РА ли беморларда умумий уйқу артериясининг ИМК кўрсаткичларини беморларнинг ёши, ХОларининг учраш сони, касаллик фаоллигини билан асоцирланади ва кардиоваскуляр хавфни эрта аниқлашда катта прогностик аҳамиятга эга.

Тадқиқотда РА билан оғриган ва юрак ишемик касаллиги (ЮИК) гумон қилинган беморларда коронар артерияларнинг атеросклеротик зарарланиш частотаси ва даражасини аниқлаш мақсадида коронар ангиография ЮИК гумон қилинган, кўнгилли 23(100%) нафар беморда олиб борилди. Коронар артериялар стенози 9(39,1%) нафар беморда аниқланган бўлиб, 9(39,1%) нафар беморда аниқланган бўлиб, улардан 5(55,5%) нафар беморда зарарланиш бир томирли, 1(11,2%) икки томирли торайиш аниқланди, 3(33,3%) нафар беморда эса уч томирли торайиш мавжуд эканлиги аниқланиб, КАГ ўтказилгандан сўнг, кардиологлар ва интервенцион диагностика мутахассисларидан иборат консилиум хулосаси ва беморларнинг хошишига кўра 3 нафар эркак жинсига мансуб беморда интервенцион кардиологлар томонидан стендлаш амалиёти бажарилди. 14(60,9%) нафар ЮИК гумон қилинган РА ли беморларда коронар артерияларда ўзгаришлар аниқланмади. Таҳлил натижаларига кўра, ревматоид артрит билан беморларда каротид артериялари ва юрак ремоделланиш жараёнларининг коронар артериялар стенози даражасини баҳолашда коронарография усули натижалари билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги ($r=0,68$) намоён бўлди.

Диссертациянинг «Ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларда юрак хужайралари тузилишидаги

морфологик ўзгаришларини аниқлаш ва кардиопротектив коррекция самарадорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида тажрибада РА билан зарарланган юракдаги морфологик ўзгаришлар, РА моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда НЯҚВ ва глюкокортикостероидларнинг таъсири натижасида юракдаги морфологик ўзгаришлар, ревматоидли артрит моделлаштирилган экспериментал ҳайвонларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари билан бирга кардиопротектив даво самарадорлигини баҳоланган. Экспериментал тадқиқотлар, 2023-2024 йилларда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ва экспериментал биотиббиёт тадқиқот маркази лабораториясида бажарилган, лаборатория ҳайвонлари (оқ зотсиз каламушлар) билан тажрибалар ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика қўмитаси рухсатномасига асосланган ҳолда олиб борилган (№ 4/13-1773. 13.06.2023й). Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг Этика тамойилларига қатъий риоя қилинган.

Тадқиқотдаги барча лаборатория экспериментал ҳайвонлари тўртта гуруҳга ажратилган:

назорат гуруҳи - лаборатория ҳайвонлари (n=20) стандарт виварий рацион билан боқилган, соғлом каламушлар;


биринчи асосий гуруҳ – тўлиқ Фрейд Адюванти (ТФА) билан ревматоидли артрит касаллиги чақиртирилган лаборатория ҳайвонлари (n=30);

иккинчи асосий гуруҳ - ТФА билан ревматоидли артрит касаллиги чақиртирилган экспериментал ҳайвонларга 4 ҳафта давомида НЯҚВ ва ГКС воситасида даволанилган лаборатория ҳайвонлари (n=30);


учинчи асосий гуруҳ - ТФА билан ревматоидли артрит касаллиги чақиртирилган экспериментал ҳайвонларга 4 ҳафта давомида НЯҚВ, глюкокортикостероидлар ва кардиопротекторлар ёрдамида даволанилган лаборатория ҳайвонлари (n=30).

Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг юраги гистологик таҳлил қилинганда патологик ўзгаришлар аниқланмаган. Тадқиқот учун танлаб олинган 90 та 12-26 ойлик зотсиз оқ каламушлар (эркак ва урғочи)да ревматоидли артрит ёки АА (адъювантли артрит) моделлаштириш мақсадида В.В. Newbould томонидан тавсия этилган тўлиқ Фрейд Адюванти (ТФА)дан фойдаланилган бўлиб, 0,1 мл. дум асоси териси остидан юборилган. Тадқиқот давомида ревматоидли артрит ривожланганидан 30–35 кун ўтгандан сўнг, биринчи асосий гуруҳ – лаборатория ҳайвонлари (n=30) юраги морфологик жиҳатдан ўрганилган (3-расм). Тажрибадаги каламуш юраги тўқимасида юзага келган морфологик ўзгаришлар РА таъсирида юрак тўқималарида яллиғланиш, инфльтрация ва тўқимавий қайта шаклланиш жараёнлари кечаётганини кўрсатади. Тажрибага жалб этилган иккинчи асосий гуруҳ - 4 ҳафта давомида яллиғланишга қарши дори воситалари (НЯҚВ ва ГКС) бериб даволанилган лаборатория ҳайвонлари юрагидан тайёрланган гистологик препаратлар ўрганиб чиқилган. Бунда юрак тўқимасида яллиғланиш фаоллигининг пасайиши кузатилган. Бу яллиғланиш хужайралари сонининг камайиши билан

намоён бўлиб, умумий тадқиқ этилган намуналарнинг 56,6%да қайдт этилган. Интерстициал тўқимадаги шиш даражасининг камайиши натижасида юрак оралик тўқимасида жараён 43,3%га пасайган. Бу натижалар НЯҚВ ва ГКСнинг миокард ҳолатини яхшилашга ҳамда шишни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатганини англатади(4-расм).




3-расм. Биринчи асосий гуруҳ. Юрак тўқимасининг микроскопик кўриниши. Периваскуляр соҳа лейкоцитлар инфильтрацияси(1), интерстициал тўқима шиши(2), чегараланмаган грануляр лейкоцитар инфильтрат(3), коронар артериянинг бир тармоғи(4). Бўёқ гемотоксилин-эозин. Ўлчам ок. 20 х об. 4.



4-расм. Иккинчи асосий гуруҳ. Юрак тўқимасидан олинган микропрепарат. Кардиомиоцитлар орасида яллиғланиш элементларининг камайиши(1), оралик тўқимада шиш камайган(2), дистрофик ўзгаришлар(3), икки ядроли кардиомиоцитлар кўпайган(4). Бўёқ гемотоксилин-эозин. Ўлчам ок. 20 х об. 4.

